



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Мактабгача таълим вазири ўринбосари

У.Бегимкулов

2022 й.

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ

**“Вазирлик марказий аппарати биносида
Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида
Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши ҳамда
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни муносабати
билан ташкил этиладиган матбуот анжумани
иштирокчилари учун овқатлантириш
хизматлари”**

**Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим
вазирлиги**

Тошкент шаҳри – 2022 й.

МУНДАРИЖА

- I. Иштирокчини танлаш бўйича кўрсатмалар.**
- II. Танлашнинг техник қисми.**
- III. Танлаш иштирокчисига қўйиладиган талаблар қисми**
- IV. Танлашнинг нарх қисми.**
- V. Шартнома лойихаси**

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА (кейинги ўринда қўлланма)

- | | |
|--------------------------------|--|
| 1 Умумий қоидалар | <p>1.1 Мазкур ҳужжат «Давлат харидлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22.04.2021 й. 684-сонли ЎРҚ (кейинги ўринда - Қонун) ва «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»ига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 26.05.2018, 3016-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилган.</p> <p>1.2 Танлаш мавзуси: “Вазирлик марказий аппарати биносида Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши ҳамда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этиладиган матбуот анжумани иштирокчилари учун овқатлантириш хизматлари” (кейинги ўринларда танлаш деб юритилади)</p> <p>1.3 Танлашнинг бошланғич нархи ҚҚС билан бирга кўрсатилган.</p> <p>1.4 Техник талаблар харид ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.</p> |
| 2 Танлаш ташкилотчилари | <p>2.1 Танлаш буюртмачиси – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги «Буюртмачи»нинг манзили: 100070, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 17-уй</p> <p>2.2 Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича котиб маълумотлар: Тел.: 71 207-04-08 (882)</p> <p>2.3 Шартнома эгаси: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги</p> <p>2.4 Танлаш «буюртмачи» томондан камида беш аъзодан тузилган харид комиссияси томонидан амалга оширилади.</p> |
| 3 Танлаш иштирокчилари | <p>3.1 Танлашда хорижий юридик шахслар (Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари) ҳам, маҳаллий юридик шахслар (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари) ҳам иштирок этишлари мумкин, 4.2-бандда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.</p> |
| 4 Танлаш тартиби | <p>4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси: а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталига жойлаштирилган харид ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш); б) малакавий ҳужжатларни ва таклифни ушбу кўрсатма талабларига мувофиқ электрон юбориш;</p> <p>4.2 Иштирокчиларнинг малакавий танлашида иштирок этиш учун қуйидаги ташкилотлар қўйилмайди: уларга нисбатан банкротлик жараёни қўлланиши киритилганлар; солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддатидан ўтган қарздорлиги мавжудлар; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида турувчилар.</p> <p>4.3 Буюртмачи харид жараёнларида иштирок этишда иштирокчини танлашдан четлатади, агар иштирокчи бевосита ёки билвосита ҳар қандай расмий шахсга ёки буюртмачи ходимига ҳар қандай шаклдаги мукофот, иш таклифи ёки ҳар қандай қимматбаҳо нарса ёки хизматни таклиф этса ва у қандайдир ҳаракатни амалга ошириш, қарорни қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида</p> |

- буюртачининг қандайдир харид процедурасини қўллашга таъсир этиш.
- 5 Танлаш тили ва
Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларнинг малакали танлови**
- 5.1 Иштирокчи ва буюртмачи ўртасидаги таклиф ва барча тегишли ҳужжатлар ва ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилади.
- 5.2 Танлаш бошланишидан олдин, харид комиссияси иштирокчиларнинг малакали танловини ўтказди. Фақат малакавий танловидан ўтган иштирокчилар танлашда иштирок этишлари мумкин.
- 5.3 Малакавий танлов учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган. Барча малака ҳужжатлари электрон шаклда юборилиши керак.
- 5.4 Малакавий танлов учун иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:
шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- 6 Танлаш иштирокчисининг таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби**
- 5.5 Малакаларни баҳолаш мезонлари иловада келтирилган
- 6.1 Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини электрон тарзда тақдим этиши керак.
- 6.2 Танлаш иштирокчиси:
Тақдим этилган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир;
Фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
Киритилган таклифни таклифларни охириги қабул қилиш санасигача қайтариб олиш ёки ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.
- 6.3 Танлаш иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддати таклифлар тақдим этилган кундан бошлаб камида 10 календар кун бўлиши керак.
- 7 Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш**
- 7.1 Зарур ҳолларда буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек харид комиссияси қарори билан ўз таклифларининг амал қилишини маълум муддатга узайтириш таклифи билан танлаш иштирокчиларига мурожаат қилиши мумкин.
- 7.2 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталига жойлаштирилади ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.
- 8. Харид ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш**
- 8.1 Зарур ҳолларда буюртмачи харид ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Харид ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор таклифларни тақдим этиш муддатидан бир кун олдин кечиктирмай қабул қилиниши мумкин. Харид ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида махсулот (ишлар, хизматлар) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Шу

- билан бирга, ушбу танлаш бўйича таклифларни тақдим этиш муддати камида уч иш кунига қадар узайтирилади.
- 9 Таклифларни баҳолаш мезонлари ва жараёни**
- 9.1 Таклифнинг техник ва нарх қисмига доир саволларга ҳамда бошқа масалалар бўйича иштирокчилар тушунтириш берадилар.
- 9.2 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
- 9.3 Харид комиссияси танлаш ғолибини танлаш учун харид ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида рад этилмаган таклифларни баҳолайди
- 9.4 Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилса, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
- 9.5 Таклифларни баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлаш иштирокчиларидан ўз таклифлари ҳақида тушунтиришлар талаб қилиши мумкин. Ушбу тартиб танлаш ташкилотчиси орқали белгиланган тартибда расман, ёзма равишда амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек, нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
- 9.6 Харид ҳужжатларидаги мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.7 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлса, харид комиссияси бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор қилиб, таклифни рад этиш ёки келгусида кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.
- 9.8 Таклифларни таққослаш натижалари асосида харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш натижаларини протоколда акс эттиради. Протокол расмийлаштирилган кун муҳокама қилиш учун давлат буюртмачиси томонидан икки иш кунига давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилади. Агар икки иш кунига танлаш иштирокчилари томонидан танлаш натижалари бўйича ҳеч қандай эътирозлар билдирилмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.
- 9.9 Муҳокама учун белгиланган муддат тугагандан сўнг билдирилган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Танлаш жараёни натижалари асосида унинг иштирокчиларидан эътирозлар билдирилганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.
- 9.10 Харид комиссиясига давлат буюртмачиси томонидан тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги маълумотлар асосида харид комиссияси йиғилишининг тегишли баённомалари тузилади ва у имзоланган кундан бошлаб уч иш кунги мобайнида электрон давлат харидлари тизимига жойлаштирилади.
- 10 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийлигига риоя этиш**
- 10.1 Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади: танлаш иштирокчиларининг таклифларини ҳисобга олувчи ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминловчи шахслар;

- Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек, танлаш иштирокчиларининг таклифларини ўрганиш учун тузилган баҳолаш гуруҳи - ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар ва комиссиянинг бошқа аъзолари билан тил бириктириш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйиш учун.
- 10.2 Шартнома бўйича (миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) мажбуриятларни бажармаган танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар ҳисобланади.
- 11 **Бошқа шартлар**
- 11.1 Танлаш иштирокчиси харид ҳужжатлари ва қўлланиладиган харидлар тартиби бўйича тушунтиришлар олиш учун буюртмачига ёки ўзи томонидан жалб қилинган ихтисослаштирилган ташкилотга сўров юбориш ҳуқуқига эга. Белгиланган сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида буюртмачи ёки у билан шуғулланувчи махсус ташкилот буюртмачи томонидан таклифлар тақдим этиш муддатидан олдин икки кундан кечиктирмай қабул қилинган бўлса, харид ҳужжатлари ва қўлланиладиган харидлар тартиби бўйича тушунтиришлар юбориши шарт. Таъминот ҳужжатлари қоидаларини тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартириш керак эмас.
- 11.2 Танлаш харидлар комиссияси томонидан содир бўлмаган деб эълон қилиниши мумкин:
Агар танлашда битта иштирокчи қатнашган ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;
Агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари асосида харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса.
- 11.3 Буюртмачи танлашда ғолиб бўлган таклифнинг аксептидан аввал танлашни ҳар қандай вақтда бекор қилиши ҳуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон жойлаштиради.
- 11.4 Иштирокчилар томонидан таклиф этилаётган намуналарни зарур ҳолларда харид комиссияси ўрганиш учун таклифлар намуналарини сўрашга (соҳа мутахассислари томонидан Ўрганиш ва баҳолаш учун) ҳақли.
- 12 **Шартнома тузиш**
- 12.1 Танлаш ғолиби билан шартнома, харид ҳужжатларида кўрсатилган шартлар ва тақдим этилган таклиф бўйича ёки музокаралар натижаси асосида тузилади.
- 12.2 Харид комиссияси қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.
- 12.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги бажарувчисига ўтади. Шу билан бирга, захирадаги бажарувчи танлаш ғолиби томонидан таклиф этилган нарҳда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Таклифларни ва иштирокчиларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

1. Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларнинг малакавий баҳолаши ва тартиби.

Малакавий баҳолаш танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси томонидан амалга оширилади. Агар иштирокчи томонидан керакли маълумотлар тақдим этилмаган бўлса, харид комиссияси уни танлашда иштирок этишига йўл қўймасликка ҳақлидир.

№	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1	Танловда иштирок этиши учун ариза. (форма № 1)	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
2	Танлов иштирокчисининг мухри билан тасдиқланган, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
3	Иштирокчининг таъкил этилиши, тугатилиши ёки банкротлик ҳолатида эмаслиги, “Буюртмачи” билан судлашиши ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмаслиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича нотўғри бажарилган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати. (форма № 2)	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
4	Танлов иштирокчилари томонидан коррупцияга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги харид комиссияси номига берилган баёнот. (форма № 3)	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
5	Танлов иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумот. (форма № 4)	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
6	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
7	Иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар (охирги уч йилдаги 1 -шакл ва 2 -шаклга мувофиқ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг нусхалари (баланслар).	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
8	Шартномани бажариши учун зарур бўлган техник, молиявий, моддий, меҳнат ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот.	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади
9	Ноинсоф бажарувчилар ягона реестрда мавжудлиги	мувофиқ/мувофиқ эмас	мувофиқ келмаса четлаштирилади

2. Мажбуриятларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайдиган ходимларнинг мавжудлиги ва малакасини баҳолаш методологияси (40 балл)

№	Мезонлар	Баҳоланган омиллар	Баҳо
1.	Компания учун шунга ўхшаш хизматларни амалга ошириш тажрибаси	Компания 5 ёки undan ортиқ муваффақиятли яқунланган лойиҳалар тажрибасига эга	10 баллгача.
		Компания камида 3-4 та муваффақиятли яқунланган лойиҳалар тажрибасига эга	7 баллгача.
		Компания камида 1-2 муваффақиятли яқунланган лойиҳалар тажрибасига эга	3 баллгача.
2.	Давлат бошқарув органлари учун хизматларни амалга ошириш тажрибаси	Вазирликлар	10 баллгача.
		Қўмиталар	7 баллгача.
		Инспекция ва агентликлар	3 баллгача.
3.	Ажратилган ходимлар сони бўйича маълумот	8 ёки undan ортиқ ходим ажратилган	10 баллгача.
		4 ёки undan ортиқ ходим ажратилган	7 баллгача.
		2 ёки undan ортиқ ходим ажратилган	3 баллгача.
4.	Ходимларнинг малакаси	Асосий жамоа ходимларининг ўртача умумий иш тажрибаси 5 йилдан ортиқ.	10 баллгача.
		Асосий жамоа ходимларининг ўртача умумий иш тажрибаси 3 йилдан ортиқ.	7 баллгача.
		Асосий жамоа ходимларининг ўртача умумий иш тажрибаси 3 йилгача.	3 баллгача.

3. Таклифларнинг нарх баҳолалиши методологияси (50 балл)

№	Мезонлар	Баҳоланган омиллар	Баҳо
1.	Таклиф этилган нарх	Мухандислик усқуналари техник хизмат кўрсатиши ва улардан фойдаланиши бўйича хизматлар кўрсатиши нархлари жадвалига киритилган барча турдаги хизматлар (ишлар) бўйича харажатларнинг энг паст нархи	50 баллгача.
		Мухандислик усқуналари техник хизмат кўрсатиши ва улардан фойдаланиши бўйича хизматлар кўрсатиши нархлари жадвалига киритилган барча турдаги хизматлар (ишлар) бўйича харажатларнинг энг юқори нархи	15 баллгача.

4. Сифатни баҳолаш методологияси ва аризанинг харид ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги (10 балл)

1.	Таклиф сифати	Малакавий баҳолаш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг 100% мувофиқлиги	10 баллгача.
		Малакавий баҳолаш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг 80% дан юқори мувофиқлиги	7 баллгача.
		Малакавий баҳолаш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг 70%дан юқори мувофиқлиги	5 баллгача.
		Малакавий баҳолаш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг 70%дан кам мувофиқлиги	мувофиқ келмаса четлаштирилади